

Ўзбек сахналарида шу кунгача ўйналиб келган пьесаларнинг энг кучлиси, энг буюги ўткур ёзувчимиз Фитратнинг хинд турмушидан олиб ёзгон «Чин севиш» пьесаси эканлигини ҳамма икром этса керак. Сахнамизда бир неча мартаба борлик кўрсатган бу беш пардали пьеса 17 сентябрда ёзлик «Турон» сахнасида ўзбек давлат труппаси томонидан яна ўйналди. Хаммага белгили ўзгаришдан сўнг хар ишимизда бўлгони каби, театру ишида ҳам тўлқунланишлар бўлуб ўтди. Бир неча труппалар тузилди. Кунда бу янги пьеса сахналаримизни зиёрат килиб хам турди. Бир ўкув-ёзув билган кишимиз пьеса ёзишга тутунди, десак хам бўлади. Труппалар пьесанинг кандай эканлигини текширмай, ўйнашдан усанмагонлари каби, эл хам томошага келишдан усанмади. Чунки янги эди; ўйнагучи хам томошачида рух бор эди. Бунда бўлатургон камчиликларнинг келгусида тузалишига ишончлари кучли эди.

Шу даврда пьеса аташка арзийдургон асарлар хам ора-сира сахнамизда кўруниб турди. Бошлангон ишнинг кундан-кун тузалиб, яхшиланиб бориши конун каби бўлса-да, бизнинг хамма ишларимиз кундан-кун бузулиб, ёмон йўлга кириб борадир. Шу каби театру ишларимизнинг хам анча ортга чекилганлигини бу кун ўйналгон «Чин севиш»даги холлар очик кўрсатадир. Ўйнагучида хам, томошачида кам дард сўна бошлагонлиги кўрунуб турадир.

Бурун соат 7 да очиладир, дейилган парда 8 да очилса, хозир соат 8-10 бўлмасдан очилмайтургон бўлгон; парда оралари эса, яна узайгон. Демак, бунда хам кейинга караб тараккий этган. Хозирги театруларга бормокчи бўлгонларга кўрпа-ёстикларинида кўтариб бориш керак бўлиб колган. Чунки тонгга якин чироглар ўчиб колгонда, битатургон ўйуннинг парда ораларида ухлаб олинса бўладир; курук ўрундукларда парда очилишини кутуб, ухловчиларнинг танлари кийналмайдир.

Бу каби холлар шу кунларда ўйналиб тургон театруларимизнинг хар бирида бўлиб турадир. Пьесаларнинг сўнг пардалари, тангри ёрлакаб, ўйналиб колса, юзга етар-етмас киши коладир.

Холлар бундай ёмон бўлгач, «Килай деса иши йўк, ётай деса касали йўк» кишилардан бошка ким театруга келсун?

Энди 17 сентябрда ўйналгон «Чин севиш» пьесасига келайлик.

Томошачи ўртача эди. Овруполикларнинг театруси ўйналиб битатургон чокда, парда очилди. Кутишдан усангон халк тинчланди.

Букун масъулиятли рўлларни адо этувчиларнинг кўпи илгари хам шу рўлларда ўйнагон артистлар бўлса-да, илгариги ўйнашларидан яхши ўйнай олмадилар.

Рахматуллахон рўлида чикгон М.Кори ўртоқ ўз рўлини жуда ёмон ўйнади. Рўлига ахамиятсиз караб ёдламагонлиги очик билиниб турди. Бундай масъулиятли рўлларни бу каби ахамиятсиз карагучи кишиларга бермаслик керак. Ман ўйновчиларни танкид этмак истамаганим учун ўйнагучилар тўгрисида шундан бошка сўз айтмайман. Халк хар пардада камая бошлаб, сўнг пардада жуда оз киши колгонлиги ўйнагучиларнинг ва бошка холларни очик кўрсатадилар. Илгари шу асар ўйнолгонда диккат билан кўрган халк бугун асардан нафрат этган каби бўлиб, чикиб кета бошлади. Бунга асар айблими? Йўк.

Сўнгги парда ўйналиб тургонда, чирог ўчиб колди. Чунки вақт кеч бўлуб колгон эди. Суфлёр чакмок (зажигалка) тутиб сўз бера бошлаб давом этмакчи бўлдилар. Сахнадан зал ёруг бўлди. Артистларнинг афтлари, харакатлари сира кўрунмас эди. «Чирог топиб

ўйналсун» деган товуш халк орасида кўтарилгандан кейин пардани тушурдилар. Шу вақтда чирог топув мумкин эмаслиги белгили эди. Илгари чирог тайёрлаб кўйилмагонлигини ҳам чирог топа олмагонликларини билдириб афв сўрадилар. Бундай курук афвдан нима фойда?

«Театру ўйнамоқчи бўлгонлар ҳамма нарсани тайёр килгондан сўнг ўйнасунлар, халк билан ўйнашмасунлар» деган товушлар юксалиб, халк сўка-сўка таркалишдилар. Мана сизга ўзбек театруси.

Шу йил шу сахнада шу труппа томонидан «Хинд ихтилолчилари» отли пьеса ўйналгон эди. Бу ҳам Фитратнинг хинд ихтилолчилари турмушидан олиб ёзгон асаридир. Бу асар ҳам «Чин севиш» каби буюқдир.

Бу пьесанинг сўнг пардаси очилгонда чирог ўчиб ўйналмай колгон эди. Ундаги масъулиятли рўлларни адо этувчиларнинг овозларини биринчи каторда ўтургон кишиларда эшита олмагон эдилар. Халк бир нарса англай олмай сўкиб кетган эди. Мана бу каби холлар асарнинг кийматини тушувига сабаб бўлади. Шунинг учун бундай олий пьесаларни бузиб ўйнашдан сакланув керак.

Бу асарлар тўгрисида келгусида кўб нарсалар ёзилиб юкори ўрун берилувига ишонаман.

Фитратнинг «Чин севиш» драмасига багишлаб ёзилган ушбу номдаги макола «Кизил байрок» газетасининг 1921 йил 22 сентябр сонидан босилган.